



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 8 октябрь, № 195 (5110)

Жума

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 октябрь куни Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёхлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талей Рифаини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро тузилма ўртасидаги ҳамкорлик уфқлари изчил кенгайтириш борасидаги таъкидлади.

— Жаноб Бош котиб, Сизни Ўзбекистон заминидан қутлашдан гоёта мамнунман. Биз ўзаро ҳамкорлигимизни, мамлакатимизнинг сайёхлик ва маданий-тарихий салоҳиятини юзага чиқариш ва биргаликда намоён этиш борасидаги муносабатларимизни ривожлантириш йўлидаги муштарак саяёҳаракатларимизни юксак қадраймиз, — деди Ислам Каримов.

Мамлакатимиз Жаҳон сайёхлик ташкилотига 1993 йилда аъзо бўлган. ЮНВТО БМТ Тараққиёт дастурининг ижрочи агентлиги ва жаҳонда сайёхлик соҳасидаги етакчи институт бўлиб, маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш ва халқларнинг маънавиятини бойитишга фаол қўмақлашади. Ташкилот 150 дан зиёд давлатни бирлаштиради, дунёнинг кўпгина мамлакатларида ушбу йўналишдаги кўплаб лойиҳаларни молиялаштиради ва амалга оширади.

Бугун Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасида яқин ҳамкор-

лик ўрнатилган. Бу ҳамкорлик мамлакатимиз сайёхлик салоҳиятини юксалтиришга, мазкур соҳада бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва Буюк Ипак йўлининг маданий меросини тарғиб этишга кенг имкониятлар яратмоқда.

2004 йили Самарқандда ЮНВТОнинг Минтақавий офиси очилди. У Буюк Ипак йўлининг тарихий ареалида жойлашган мамлакатлар миллий сайёхлик ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Марказда сазовор жойлари ва тарихий обидалари тўғрисидаги қиммат-

ли маълумотларни ўзида жамлаган ягона ахборот базаси фаолият кўрсатмоқда.

Хар йили Тошкентда Жаҳон сайёхлик ташкилоти шафелигида халқаро сайёхлик ярмаркаси ўтказилади. Шу кунларда мамлакатимиз пойтахтида йигирмадан зиёд давлат вакиллари иштирокида ўтаётган ана шундай анжуман доирасида 8-9 октябрь кунлари Самарқандда ЮНВТОнинг Буюк Ипак йўлида сайёхликни ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлади.

Оқсаройдаги учрашувда Талей Рифаини самимий қабул учун

Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, БМТнинг ўзи раҳбарлик қилаётган ушбу ташкилоти мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан гоёта манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)  
Фарҳод ҚУРБОНОВ  
олган суратлар.

Жорий йилнинг 13 — 15 октябрь кунлари Тошкентда VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтади. Ўзбек пахта толасининг жаҳон бозорига айланган мазкур нуфузли тадбир йилнинг энг қулай вақтида — пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилаётгани билан янада аҳамиятлидир. Бу ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун ҳам бирдек манфаатли. Халқаро ярмаркага дунёнинг кўплаб давлатларидан юзлаб трейдерлар иштирок этиш истагини билдиргани бунга яққол кўрсатиб турибди.



## «Тошкент-Тола»: ЎЗБЕК ТОЛАСИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли юқори сифатли пахта ва тола етиштиришга эришилди. Бундай хом ашё ўзининг рақобатбардошлиги билан жаҳон бозоридан тобора харидоригир бўлиб бораётир. Толамининг асосий қисми Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Польша, Бангладеш, Бирлашган Араб Амирликлари каби кўплаб давлатларга экспорт қилинаётгани шундан далолат беради.

Халқаро экспертларнинг фикрича, ўзбек толасини дунёнинг тўқимачилик саноати ривожланган барча давлатлари, айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари соҳиб бўлишга умидвор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки заминимизда етиштирилган «оқ олтин» саноатбўлиги билан ажралиб туради. Унинг ранги, толасининг узунлиги, пишқилги ва микрофайр кўрсаткичлари халқаро андозаларга тўла мос келади.

Толамининг экспортини оширишда, айтиш мумкин, минтақавий пахта терминалларининг хизмати ниҳоятда катта. Шу боис мамлакатимизда уларнинг фаолиятини тақомиллаштириш бўйича

изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июндаги «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Бугунги кунда республикамизда 22 та ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали самарали фаолият юртимокда. Бу ерда махсуслотни сифатли сақлаш ва жўнатишдан ташқари, бошқа хизмат турлари ҳам ташкил этилгани харидорларни қўнғирмоқда.

Сергели туманида жойлашган «Тошкент-Тола» терминали — шулардан бири. У юртимиздаги энг йirik пахта терминали ҳисобланади. Гап шундаки, бу ерда кунга 700 тоннагача толани қабул қилиш ва 900 тоннадан ортиқ толани экспортга йўналтириш учун барча шарт-шароит яратилган. Кейинги вақтларда мавжуд омборлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, моддий-техник базаси муштараклашди. Хусусан, толани юклаш ва ташишда замонавий автоюккитриллар, шунингдек, ўнга яқин «Мерседес-Бенц» автопоездлари кучидан умумий фойдаланилапти.

(Давоми 2-бетда.)

## ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Бугунги кунда жаҳонда экологик ҳолатнинг ёмонлашуви натижасида атроф-муҳитни асраш, табиат ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш сингари масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис кейинги пайтларда мазкур муаммолар хусусида бот-бот гапирилиб, фикрлар билдирилмоқда, уларнинг ечимини топиш юзасидан кўплаб учрашувлар ўтказилапти.

Бошқача айтганда, эндиликда экологик вазиятни яхшилаш нафақат бир мамлакат ёки минтақанинг, балки дунё давлатларининг олдидаги муҳим вазифага айланди.

### Анжуман

Орол денгизи фожияси — шундай муаммолардан бири. Чунки кейинги қирқ-қирқ беш йил ичида денгиз акваторияси 7 бараварга қисқариб, сув ҳажми 13 мартага камайган. Унинг худудидаги ҳайвонот ва наботот оламига эса жиддий зарар етган.

(Давоми 2-бетда.)

## БАНК МАБЛАҒЛАРИ — РЕАЛ СЕКТОРГА

Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, шу жумладан, молия муассасаларининг ресурс базасини янада кўпайтириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилуни туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

Фермерлик ҳаракати бугун мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи кучга айланди. Зеро, улар нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, балки қурилиш ва ободонлантириш, қайта ишлаш ва сервис хизматлари соҳасида, қўйиники, қишлоқларимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этмоқда. Шубҳасиз, бу Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамҳўрликлар самарасидир.

Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида бизнинг «Давлат» фермер хўжалигимиз даласида қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, фермерлар билан учрашувда ҳам фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: «Деҳқонга зарур шарт-шароит бериш даркор. Шундагина у юксак натижаларга эриша олади. Уруғлик, ёқилги-моблаш материаллари, ўғит, имтиёзли кредит муаммоларини вақтида ҳал этиш зарур. Ай-

ниқса, Қорақалпоғистон шариоитида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш лозим».

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигининг ривожига, кўп жиҳатдан, экин майдонларининг ҳолати, тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Аммо Орол денгизининг қуриб бораётгани ерларнинг бу каби хусусиятлари пасайишига олиб келмоқда. Энг ачинарлиси, инсон саломатлигига таъсир этувчи экологик муаммоларни келтириб чиқараёт-

ти. Давлатимиз раҳбари учрашувда ўшбу муаммо ҳақида сўз юритар экан, «Орол тақдири — миллион-

миллион инсонлар тақдирини демекдир. Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур», дея бутун қорақалпоқ халқининг айна дилидаги гапни айтдилар.

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга жиддий эътибор

### Дил сўзи

Шундай экан, биз ўз тақдиримиз, фарзандларимиз келажаги учун курашмоғимиз зарур», дея бутун қорақалпоқ халқининг айна дилидаги гапни айтдилар. Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга жиддий эътибор

қаратилаяпти. Қўрилаётган изчил чора-тадбирлар ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-мизда ўз самарасини бермоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистонда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз, шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, халқ истеъмоли моллари 5,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари 9,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 13,5 фоиз ўсгани шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигида, айтиш мумкин, таъминот ишлари яхши йўлга қўйилгани муваффақиятларнинг бош омилли бўлаяпти. Умуман олганда, бу йил уруғликдан тортиб, ёқилгимолаш материалларига

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

## ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯҚУНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилиши, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспорт-боп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва хажмларини кўпайтириш дастурларининг, инвестициявий лойиҳаларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. 2010 йилнинг 9 ойида

Комплекс бўйича жами 1 триллион 924 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Усиш суръати 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 116,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 925,4 миллиард сўмлик (106,3 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 191,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ўзлаштирилди ёки режага нисбатан 175,1 фоизга бажарилди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 123,8 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда.)

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида таэквондо «пумсе» бўйича V жаҳон чемпионати бошланади. Спортнинг ушбу тури бўйича Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган мусобақада дунёнинг 58 мамлакатидан 453 нафар таэквондочилар учун кураш олиб боради.

## ДУНЁ ТАЭКВОНДОЧИЛАРИ ЎЗБЕКISTONDA

Кеча ана шу нуфузли мусобақа олдида Бутунжаҳон таэквондо федерациясининг Бош Ассамблеяси йиғилиши бўлди.

Айтиш жоизки, бу каби нуфузли турнирлар барча давлатларда ҳам ўтказилавермайди. Бунинг учун етарли шароит, халқаро талабларга жавоб берадиган зарур спорт базаси мавжуд бўлиши

### Халқаро турнир

лозим. Ўзбекистон ана шундай имкониятга эга мамлакат ҳисобланади.

Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятларда замон талабларига жавоб берадиган спорт мажмуалари бунёд этилди. Қолаверса, юртимизнинг нуфузли спорт анжуманларини

юқори савияда ўтказиш борасидаги катта тажрибасини инобатга олган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) раҳбарияти жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

— Ўзбекистонда таэквондонинг ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдим, — дейди Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF) президенти Чунг Вон Чой. — Жаҳон чемпионатини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳам аъло даражада. Беллашувлар ҳам шунга яраша муросасида ўтишига ишонаман.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Зафарулло ЖОНИБЕКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ САЁХАТ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Буюк Ипак йўли бўйлаб саёхат» деб номланган халқаро сайёхлик кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлол йилларида туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак ижобий натижасини бермоқда. Бугунги кунда юртимизда 750 дан зиёд хусусий сай-

ёхлик компаниялари фаолият юритаётгани, замона-

ана шу қамровли ислохотлар самарасидир.

Ун олтинчи бор ташкил этилган ушбу тадбирда жаҳоннинг 36 мамлакатидан 500 дан зиёд сайёхлик компания ва ташкилотлари қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

### Кўргазма

вий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони кўпайиб, сервис хизмати кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бораётгани ҳам

БИР РАҚАМ  
ШАРҲИ

Жорий йил биринчи ярмида республикамизда банкларнинг иқтисодий реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

37,5 фоиз ўсди.





Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш, осойишталигини асраш, тараққиётимизнинг барқарор ва изчил давом этишини таъминлаш имконини яратди. Айниқса, бу сазой ҳаракатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Табиийки, ушбу чора-тадбирларнинг ҳаётда ўз ифодасини топишида молия муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда соғлом иқтисодий рақобат муҳитида фаолият юритаётган банкларнинг миқозларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти, айниқса, таҳсинга сазовор.

# КРЕДИТЛАР — ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

“Агробанк” ОАТБнинг кундалик иш жараёни билан танишган киши, албатта, ана шундай эътибор ва эътирофга тўла амин бўлади. Зеро, Ўзбекистонда пахта илгир-терими авж олган бугунги долзарб паллада банк ходимларининг фаолияти янада қизгин. Хусусан, улар пахтакорларни ҳар жиҳатдан молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттирмақдалар. Банк бугунги кунда барча молиялаштириш манбаларини ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишлари учун, шунингдек, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида жами 10 млрд. 38 млн. сўм кредит ажратди. Биз банкнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари фаолиятида айнан шундай хайрли тадбирларнинг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Сирдарё туманида жойлашган “Темур Мед Фарм” масъулияти чекланган жамиятига лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг Сирдарё филиали 4 млрд. 875 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратди. Ҳозирги кунда корхонада қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ажратилган кредит ҳисобига МЧЖ томонидан 60 та иш ўрни яратилиб, йилига 9 хил турдаги 6 млн. 600 дон дори-дармон ишлаб чиқарилади. Ушбу дори-дармонлар республика аҳолисига тарқатилиши баробарида, Туркменистон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Озарбайжон давлатларига экспорт қилинади. 2011 йилда корхона тўла қувват билан ишлаш бошлагач, 12 млн. 540 минг дон дори-дармон тайёрланади. Бу қўшимча яна 20 та иш ўрни яратилади, дегандир.

Ширин шаҳридаги “Шохрўбек Дамирбек” МЧЖ полиэтилен қоплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонага шу мақсадда 50 млн. сўм миқдорда имтиёзли инвестициявий кредитлар ажратилди. Бу эса, корхонада янги 10 та иш ўрни яратишга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, банкнинг ўз кредит ресурслари ҳисобидан жами 3 млрд. 588 млн. сўмдан ортик инвестициявий кредитлари ажратилди. Уларнинг 2 млрд. сўмдан ортики айнан қишлоқ ва туман ҳудудларига тўри

Ана шундай хайрли тадбирлар тўғрисида 1000 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Банкнинг “қадами” вилоятнинг чекка ҳудудларига етиб борган. Худудда янги вақтда 12 та филиалдан ташқари 21 та минибанк ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур минибанклар қулай бино, комп



Ана шу мақсадда тадбиркорлик субъектларини мунтазам молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда.


Банк фаолиятида фермер хўжалиқларига, таъминотчи корхоналарга чет эл техникаси сотиб олиш учун бериладиган узоқ муддатли кредитлар билан бирга, бошқа йўналишдаги кредитлар ажратилиши тажрибаси ҳам кенг қўлланилаётган. Ўтган йилларда вилоят фермерларига лизинг асосида юқори унумли “Класс доминатор”, Жаҳон банки тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан “НЮ ХОЛЛАНД” галла комбайнлари сотиб олинди. Бу, табиийки, узоқ муддатли молиявий ёрдам кўрсатиш эвазига амалга оширилди. Жорий йилда “МАГНУМ” русумли юқори унумли ҳайдов тракторлари билан бир қаторда, замонавий савдо дўконлари, автосервис, ёқилғи қўйиш шохобчалари, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, саноат корхоналари барпо этиш ва модернизация қилиш йўналишлари ҳам устувор соҳа сифатида молиялаштирилмоқда. Сайхунобод туманидаги “Сайхун саломатлик сервис” хусусий корхонасига 25 млн. сўм, Ширин шаҳридаги “Ҳақиқат” корхонасига ёқилғи шохобчаси қуриш учун 80 млн. сўм, Ховос туманида замонавий эшик ва ромларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 50 млн. сўм, Сирдарё туманида қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришга 125 млн. сўм, Гулистон шаҳрида макарон ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун 30 млн. сўм миқдордаги узоқ муддатли кредитлар ажратилганлиги шулар жумласидан.

Болалар — эртанинг эгалари. Фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни илм сирлари билан мукамал қуроллантириш бизнинг бош мақсадимиздир. Шу тўғрисида банкларимиз таълим кредитига ҳам алоҳида эътибор билан қарамоқда. Андиқроғи, вилоят банк ходимлари ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Таълим йўналишида берилган кредитлар қолдиги 135 млн. сўмини ташкил этади. Шундан 4 млн. сўми Баркамол авлод йилининг ўтган биринчи ярим йилида берилган.

Хуллас, “Агробанк” ОАТБнинг Сирдарё вилояти бошқармаси фаолиятининг бош мезонини юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигидек устувор мақсад ташкил этади. Шу тўғрисида вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари миқозлар билан ишлашнинг, уларга намунали банк хизмати кўрсатишнинг энг самарали йўлиларини излаб топишмоқда. Ва шу тариқа ўзлари мақсад қилиб қўйган эл фаровонлигини юксалтиришдек устувор вазифани шараф билан урдалашмоқда. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар эса молия муассасалари билан миқозлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш баробарида, халқ фаровонлиги учун ҳам хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бошқарманинг туман ва шаҳарлардаги мажбу 12 та филиали вилоят иқтисодий салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришнинг мажбу қувватларини кайта тиклаш, янги объектларни ишга тушириш ишларини молиялаштиришда фол қатнашмоқда. Шунингдек, улар ижтимоий соҳа, хизмат кўрсатиш, пуллик хизмат ва сервис хизматлари объектларини барпо этиш орқали янги иш ўринларини яратишмоқда.

## Молия муассасаларида



дан зиёд фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Мазкур фермер хўжаликлари 45,4 минг гектар майдонда пахта ҳосили етиштирилади. Табиийки, хом ашёни нест-нобудсиз йиғиштириб олиш учун, энг аввало, уларга молиявий мадд зарур. Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағғармаси томонидан юқорида тилга олинган мақсадларга 26 млрд. 583 млн. сўм кредит ресурслари ажратилган. Бугун вилоятда тикланаётган улкан пахта хирмонларида ана шу маблағ ҳисобидан ажратилган кредитларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Аслида бу имтиёзли кредитлаш вилоятда 2010 йил галла ва пахта ҳосилини етиштириш учун зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаришдан

“Агробанк” ОАТБ матбуот хизмати.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Энг катта китоб сотувда

Дунёдаги энг катта китоб Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган ярмаркада сотувга қўйилди.

Эни 1,82, бўйи 2,74 метрга тенг бўлган мазкур китобда жаҳон мамлакатлари харитаси акс эттирилган. “ABC News” ахборот агентлиги хабарига кўра, китоб Гордон Чирс томонидан

### Ёғингарчилик келтирган талафот

Хитойнинг Хайнань музофотида ёғатган тинимсиз ёғин сув тошқинларини келтириб чиқарди.

Натижада қўллаб тураржой бинолари сув остида қолган. 130 минг нафар одам хавфсиз жойларга қўчирилган. Айниқса, Хайнань, Санья, Цюньхай ва Диньань шаҳарларида вазият кескинлашган. Манбада қайд этилишича, Хайнаньда бундай талафотларга сабаб бўлган ёғингарчилик 1961 йилдан буён кузатилмаган экан.

### Кема ҳалокати

Мянмада йўловчиларни олиб кетаётган паром ҳалокатга учради.

Ўтган Иравади дарёсига юз берган. Паромда, асосан, талабалар ва ўқитувчилар бўлган. Йўловчилардан 30 нафари ҳаётдан қўз юмган, ўнлаб одамлар эса бедарак йўқолган. Бу ҳақда “Рейтер” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ҳалокат кемага ортиқча одам олингани тўғрисида келиб чиққан.

### Ўнгланиш қийин бўлмоқда

“Fitch Ratings” халқаро агентлиги Ирландиянинг кредит рейтингини яна пасайтирди.

Бу мазкур давлатнинг дунё бўйича молиявий нуфузига жиддий пулур етганидан дарак беради. Инқирознинг Ирландия банк тизимига кўрсатган салбий таъсири эса миқозларда молия муассасаларига нисбатан ишончсизликни кучайтирмоқда. Боз устига, мамлакатнинг иқтисодий тикланиш суръатлари анча суст кетаётган.

### Ҳаво қатновида узилиш

Грецияда авиадиспетчерлар ишларида 24 соатлик иш ташлаш намоийлари бўлиб ўтди.

Бу ҳолат мамлакат ҳаво қатновида узилишларни юзага келтирди, деб ёзади “The Wall Street Journal” нашри. Хусусан, 47 та маҳаллий рейс тўлиқ бекор қилинган бўлса, 82 та парвоз вақти кечиктирилди.

### Кит ва қайиқ

Австралиянинг шимол-ғарбий соҳилида баҳайбат кит қайиқни чўктириб юборди.

Ҳалокатга учраган 14 метр узунликдаги транспорт воситаси бортида уч киши бўлган. Улар ўз вақтида “SOS” сигнални беришга улгуришган. Жабдийдалар тўрт соат давомида қучли шомол ва тўқинлар тўсиғига бардош берганлар. Уларни воқеа яқинида жойлашган нефть платформаси ишчилари қутқариб олганлиги маълум қилинган.

### Яна ҳам қадимийроқ

Бир гуруҳ олимлар динозаврлар пайдо бўлиш даври 10 миллион йил қадимийроқ, деган хулосага келдилар.

Польшанинг У ордан топилган Свенткрижск тоғларида олиб борилган 250 — 199 миллион йиллик тарихани аниқлашга ёрдам берганлар. Уларни воқеа яқинида жойлашган нефть платформаси ишчилари қутқариб олганлиги маълум қилинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Пойтахтимизда жорий йилнинг 9 — 15 октябрь кунлари “Tashkent ALE — 2010” фотобиенналесини бўлиб ўтади.

## ХОРИЖ РАССОМЛАРИ ТОШКЕНТДА

Ушбу халқаро анжуман “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Тошкент фотосуратлар уйи томонидан ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирга дунёнинг турли мамлакатларида ҳар хил жанр ва услубда ижод қилаётган фоторассомлар, шунингдек, жаҳонга машҳур фотография жамиятлари ва ташкилотлари вакиллари таклиф этилган. Ташкилий қўмита дунёнинг 41 мамлакатидан ижод қилувчи 156 нафар муаллифдан ёшлар ҳаёти, жаҳон халқларининг урф-одат ва анъаналари каби мавзулар акс эттирилган 1845 та асарни қабул қилиб олди.

“Tashkent ALE — 2010” 5-Халқаро Тошкент фотобиенналесини доирасида ижодкорларнинг шахсий кўргазмалари, шунингдек, Кореянинг Маданият ва туризм вазирлиги ҳамда Германиянинг Гёте институтининг ҳамкорлигидаги иккита халқаро лойиҳа ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

Суннат АСТАНОВ.

**“TOY-TERA AGROMAX” МЧЖ**

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради.

Маҳаллий шароитга етиштирилган сабзавотлар: картошка, пияз, қизил лавлаги, сабзи.

Украина технологияси асосида қайта ишланган дов-дуң перловка ёрмаси, гречка, пұхя, гуруч.

Маҳсулот сертификатланган.

Тел.: 586-46-00, 312-04-09.

**“Хунарманда”нинг хунарли шогирдлари**

Республика “Хунарманда” уюшмасининг вилоят бўлими хайрли ташаббус билан чиқди.

**Ибрат**

Унга кўра, воҳа хунармандаларнинг устахоналари қошида “Уста — шогирд” мактаблари ташкил этишга киришилди. Ўтган қисқа муддатда жойларда 15 та шундай мактаб иш бошлади. Уларда 60 нафардан ортик ёшлар турли касб сирларини ўрганишмоқда.

Шунингдек, “Уста — шогирд” мактаблари ўртасида “Энг моҳир шогирд” қўриқ-танлови ўтказилаётгани ёшларнинг хунар ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ТАШКИЛОТ**

Иссиқхонада кичик ҳажмли гидропоника ва томчилатиб сугориш усули билан помидор етиштириш учун қуйидаги вакант ўринларга

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**АГРОНОМ УРИНОСАРИ**

Номзодларга талаблар:

- қишлоқ хўжалиги бўйича маълумотга эга;
- иссиқхонада ишлаганлик тажрибаси;
- тунги сменада ишлашга имконияти бор;
- жавобгарлиқни ҳис қиладиган;
- барча билан муроса қила оладиган.

**БОШ ИНЖЕНЕР УРИНОСАРИ**

Номзодларга талаблар:

- умумий инженерлик маълумотига эга;
- корхонада электрик ёки теплотехник вазифасида ишлаганлик тажрибаси;
- тунги сменада ишлашга имконияти бор;
- жавобгарлиқни ҳис қиладиган;
- барча билан муроса қила оладиган.

**ИШЧИЛАР**

Номзодларга талаблар:

- интизомлилик;
- иссиқхонада ишлаганлик тажрибаси;
- иссиқхонада кечаю кундуз бўлишга имконияти бор;
- жавобгарлиқни ҳис қиладиган.

Иссиқхона Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган. Қизиқкиш билдирганлар фотосурат ва ўзлари ҳақидаги тўлиқ маълумотни қуйидаги электрон манзилга юборишлари лозим: [texcorp@bk.ru](mailto:texcorp@bk.ru)

**ПЛ «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ» ООО**

ПРОИЗВОДИТ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ для водоснабжения, газоснабжения и для канализации

Диаметр труб от 16 до 710 мм, выдерживающие давление до 20 кгс/см²

Соединительные детали: ТРОЙНИКИ, ПЕРЕХОДНИКИ, ОТВОДЫ, АДАПТЕРЫ, КРЕСТОВИНА

Проводим монтаж трубопроводов

Используем только первичное сырье: РЕ-80, РЕ-100

На всю продукцию имеется СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕННЫ в т.ч. по ISO 9001:2008

Индивидуальный подход к каждому клиенту

Качество у нас!!!

Глобальная система СМК ЛОК

Гарантия — 2 года, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 36-й жилой офис: Бизнес-центр «Лабзак».

Тел./факс: 244-83-00, моб. (+998 90) 995-19-99, (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 404-56-42.

e-mail: sedou2008@yandex.ru

**“ХАЛҚ СЎЗИ”га ЭЪЛОНЛАР**

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси ўзбек хореография санъатининг етук намоянчаси, Ўзбекистон халқ артисти

**Ғалия ИЗМАЙЛОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чўқур таъзия билдиради.

# Кўнгил жиёбони

**Машинани энди-гина ўт олдирувдим ҳамки, дарвозадан кўшимиз Хосият момонинг қораси кўринди. Ҳаллослаб нафас олар, кўлида кичкинагина дўппи бор эди. Афтидан қаергадир шошиб турарди.**

— Хайрият, кетмаган экансан, — хурсандчилигини яшира олмай менга яқинлашди. — Бир юмуш билан келувдим. Шундоқ ишга боришда мени Шойхўжа қишлоғига ташлаб ўтасан, хўпми?

## Дўппи

Таажубландим, Хосият момонинг у тарафларда қариндошлари бўлмади. Кампирни олис қишлоққа қандай юмуш етаклаб кетайтган экан. Худди фикрини уққандай Хосият момо елкама қарини босиб, гапирди.

— Шу десанг, кеча ша-

га борса, енгининг қатида ёки тугунда ширинликлар бўлади. Вақтида ундан ўзим ҳам баҳраманд бўлганман. Таъми хануз озгимдан кетмайди.

Қишлоққа бордик. Кирмаган хонадонимиз қолмади. Охири ўша аёлни топдик. Хосият момо ўз кўли билан дўппини боланинг бошига кийдириб кўйдди. Бағрига босиб юзлари-

### Ҳаёт манзаралари

хардан келатган эдим. "Дамас"га миндим. Енимга бир аёл ширингина ўғилчаси билан ўтирди. Чаманда, у Шойхўжа қишлоғиданман, дегандай бўлди-ёв. Кейин боласи роса хараша қилди. Бояқиш бир безовта бўлди, асти кўяверасан. Тушиб кетишганида ёнимга қарасам, не кўз билан кўрайки, боласининг дўппичаси қолиб кетибди. Хай-хай дегунимизча улардан анча дузликлашиб кетгандик. Дўппини олиб келавердим. Бировнинг омонати бўйинида қолиб кетмасин, дейман-да. Элтиб бермасам кўнглим жойига тушмайди.

Машинани артар эканман, Хосият момога гап уқтиришга кўп уриндим. Боланинг бегоналигини, қишлоқнинг олислигини рўқач қилдим. Унинг устига танимаган аёлликка арзимас бир дўппини кўтариб бориш ақлга сиғмайди. Кошки, Хосият момо бу гапларга парво қилса.

Онахон машинанинг орқа ўриндиғига жойлашар экан, салонни раённинг хиди тутиб кетди. Кўлидаги тугунда хойнаҳой туршак, қанд-курс, бодом бўлса керак. Хосият момонинг одати шундай. Қаер-

дан ўлди. Қанд-курс билан сийлади. Аёл билан қаддонларча сўрашарди. Уларни ҳеч ҳам бегона деб бўлмади. Кайтар чоғимизда Хосият момо насиҳат қиларди:

— Хой, Малоҳатхон, оғироёқ экансиз, енгил пойабзал кийинг, оғир нарсаларни кўтарманг, хўпми? Яхши овқатланг, кўп ҳам оила юмушлари деб ўзингизни олдириб қўйманг. — Хали келиб ўзим сиздан хабар оламан.

Аёл: "Хўп, хўп, майли", деб кўлини кўксига кўярди. Кўзларидан оқётган шашқатор ёш кўёшда марвариддек ялтирарди. Балки бу хурсандчилик ёшларидир. Балки кимдандир кўрмаган оқибати бегона бир онахондан кўраётгани учун кўнгли бузилгандир. Меҳрининг, оқибатнинг танқислигини шу топда кўнглидан ўтказётгандир. Нима бўлганда ҳам Хосият момонинг бу хатти-ҳаракати кўнглиларни юмшати, одамларни оқибатлиликка ундади. Мен ҳам енгил торгандек бўлдим. Онахонга хурматим янада ошди. Шундайлар борлиги учун ҳам ҳаёт абадийдир, дея кўнглимдан ўтказдим.

Яқинда Хосият момодан хабар олгани борганимда, у сўрида чопонча қавиб ўтирган экан.

— Бу Малоҳатнинг ўғилчасига, машинани хозирла, яқинда бориб келамиз, — деди.

Фохриддин БОЗОРОВ.



Кичик хикоят

Мажнун Лайли юртига талпиниб, хуши жойида дамда туяни у томонга ҳайдар, аммо ҳаёли Лайлига кетганда, ўзи ва туяни унутар эди.

## Дил ва йўл

Шунда туя қишлоқдаги бўталогини эслаб, орқага қайрилди. Қишлоққа келиши билан Мажнун ҳам ўзига келар, билардики, икки кунлик йўли бехуда кетибди. Шу тарзда уч ой давомида йўлда сарсон бўлади. Ниҳоят, "Бу туя бошимнинг балоси" деб ундан воз кечиб, пивда йўлга тушади. «Туянинг орзуси — орқада, меники эса олдинда. Биз шу йўлларида туяфайли айрилдик», дейди Мажнун.

РУМИЙ.

**Инсон зоти борки, гўзалликка интилади. Гўзаллик қандай кўринишда ёки нима тимсолида бўлишидан қатъи назар, инсон қалбини юмшатиб, ўзига ром этаверади. Гўзалликнинг маъноси эса мутаносибликдир. Эътибор қиладиган бўлсак, бутун олам, табиат, ундаги ҳар бир зарра буюк бир мутаносиблик асосида яратилган.**



Аммо мутаносибликнинг ҳам даражалари бор. Энг олий даражадаги мутаносибликдан

## Комиллик мартабаси

гўзаллик туғилади. Бу қонуният ҳамма нарсада барқарор. Ҳатто инсон вужудида, табиатда ва жамиятда ҳам. Хусайн Воиз Кошифий ўзининг «Футувватномаи султоний» асарига одамнинг ташки кўриниши, тана аъзоларининг тузилишига қараб унинг ички дунёси, табиатини тавсифлаб беради. Шунга кўра, саховати билан ном қозон-

ган Хотами Той барча ривоятларда ниҳоятда гўзал инсон сифатида таърифланади.

Хотам шу қадар саҳийки, керак бўлса, ўз жонини ҳам садқа қилиб юборади. Чунончи, бу ишни гўзал табассум билан қилади. Шайх Саъдий

воқеани фаҳмлаган элчилар мезбонга таҳсини офаринлар айтиб, қайтиб кетишади. Хотамнинг саховатидан лол бўлган султон, рашк ўтида ўртанади ва энди унинг жонини олиш учун жосус юборади. Хотам уни ҳам олий даражада меҳмон

шамшири билан синдирди». Комил инсоннинг қилган барча ҳаракатлари гўзал бўлади. У ўз жонини ҳам, керак бўлса, аҳсон қила олади. Гўзалликни кўрган кўз лаззат топади. Зеро, донолик билан айтилган гўзал фикр ва сўздан инсон руҳи лаззат топади.

### Ибрат

бўлса, етук олимлар суҳбатда бўлсин, улар олдида адаб сақласин. Бу унинг камолот йўлидаги шуурига сабаб бўлиши мумкин».

Камолот йўли фараҳли, хузурбахш меҳнат ва машаққат йўлидир. Бинобарин, озода ва обод юртимизнинг толеи убул фарзандлари маърифатни эъзозлайдилар. Шундай экан, жамиятимиз келгусида янада чароғонлашади, қалблар зиёга бурканади.

**Дилором САЛОҲИЙ,**  
филология фанлари доктори,  
Самарқанд давлат университети профессори.

## Ҳар одам — бир олам...

Бу улғу табиат ҳикматиға боқ,  
Инсонда бир тилу иккита кўлоқ.  
Демак, у дейдики, бир марта сўзлаб,  
Бошқани икки бор лозим тингламоқ.

Я  
ш  
а  
ё  
т  
г  
а  
н  
  
с  
а  
т  
р  
л  
а  
р

Эҳтиёт, кўрқоқлик белгиси эмас,  
Иброқли кишининг иттифоқдоши.  
Ур-суру, юр-югур мардикка кирмас,  
Гавҳардан бўлади гавҳарнинг тоши.

Тугилмоқ — ўлмақнинг илк дақиқаси,  
Бас, нечун ўлимдан кўрқмоқ аланқаси.  
Сен шундай яшаки, виждонинг саси,  
Тарихлар уфқида қолсин жаранглаб.

Севибман, бу олам жилвагар, кўркям,  
Рост бўлсин топганим кўнглинг майлини.  
Ишқингни май қилиб сиймасам, эркам,  
Кайфияд умирбод қолсам, майлими?

Пул билан тикланган иззату икром,  
Ё амал туфайли топилган обрў.  
Тўғки муз узра ёзилган бир ном,  
Тўғки ҳарз олаб қилинган бир тўй.

Ҳар одам — бир олам: тоғи, жари бор,  
Тули бор, кўни бор, дўли чақмоғи.  
Бавзида ёлмоқчи этса иштиёр,  
Бавзида мумкинлир севадек оқмоғи.

ШУҲРАТ.

НОДИР МЕРОС

Нимани билишингни ва нимани билмаслигингни бил — ҳақиқий билим шу. **Хитой мақоли.**

Бошқалар учун қайғуриб, ўз бахтимизни топаемиз. **АФЛОТУН.**



«— Вой, нимасини айтасан...»

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

Хусайн Воиз Кошифий дейдики...

## Ҳн нишона

Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадур: биринчи нишонаси яхшилик, иккинчиси — инсофли бўлиш, учинчиси — бошқа одамдан айб қидирмаслик, тўртинчиси — бирор киши-

да ноҳўя ҳаракат кўрса, уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси — бир киши айбига икром бўлиб, узар айтса, узрини қабул қилиш, олтинчиси — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш, еттин-

чиси — фақатгина ўз манфаатини кўзламаслик, саккизинчиси — очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси — муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш, ўнинчиси — мулоим ва тавозели бўлишдир.

**Ҳақим ота Абдуносирни боши узра айлантриб, эркалатаётганда бехосдан кўзойнагини тушириб юборди. Кўзойнак бетон йўлакчада чил-чил санди. Усиз Ҳақим отага осон эмас. Бобонинг севишли одати китоб ва газета арақлаш. Сўйган ишингни қилолмагач, бу ёруғ олам ҳам кўзингга зимистон бўлиб кўринар экан. Уйининг ёнида кўзойнак сотадиган дўкон бор. Аммо отахонга моти у ерда топилмади. Ҳатто вилоят ва туман марказларидаги дўконларда ҳам бунақаси сотилмас экан. Не азоблар билан Тошкентда ишлаётган ўғилларига илтимос қилиб, шу махсус ойнадан қилинган кўзойнакни топтириб келганди.**

## КЕЧИККАН МЕҲҲ

Ота кўзойнак синиқларини бир қутичага солиб, Тошкентдаги ўғилларига бериб юбораркан, ҳамқишлоқ болага қаттиқ тайинлади: "Албатта, мана шу ойнадан тайёрлангани бўлсин, бошқаси менга тўғри келмайди. Иложи бўлса, эртагаёқ бирдан бир йўловчи машиналардан бериб юборсин. Илтимос, ўғлим, ёдингдан чиқмасин!"

Орадан бир ой ўтдики, болалар кўзойнакни жўнатишмади. Ҳақим ота гапгин бўлиб қолди. Китоб ўқий деса, кўз кургур ўтмайди. Бошқа юмуш билан шуғулланишга иштиёқ йўқ. Ота бепарво фарзандла-

рини эслаб: «Болаларим, нодонларим-а!», деб кўярди, гоҳи-гоҳида. Набирасини бағрига олганча хаёл суришдан нарига ўтолмайди.

Ёлғиз қолган кезларда турмуш ўртоғи Раънохонни кўп эслайди. Улар институтда бирга ўқиб, бир-бирларига кўнгли қўйиб, сўнг турмуш қуришганиди. Талабалик йилларида уч фарзанд кўришди. Ўзи бунинг устига институтдан сўнг илмий ишга қўл урди. Ҳамма ташвишларни хотинининг зиммасига ташлаб қўйганини кейинроқ англади. Кундузлари кутубхонада китоб титкилар, кечалар ил-

мий иш ёзарди. Ниҳоят, диссертацияни ёқлади. Ўша кун Раънохоннинг севинганини кўрсангиз эди. Ҳомиладор, камсон бўлса-да, меҳмонларга ярим тунгача хизмат қилди. Гоҳ

эди. Қанчалик насиҳат қилишмасин, уринишмасин, Ҳақим ота бошқа уйланмади. Фарзандлар билимли ва соғлом бўлиб улғайишди. Олий маълумот олиб, Тошкентда қолиб

болаларига, гоҳ ошхона юмушларига қараб чопарди. Шодлик ва ғам ёнма-ён юрар экан. Тўртинчи фарзандни дунёга келтираётди Раънохон

### Инсон ўзинг...

хаётдан кўз юмди. Айрилиқ изтироби соя солган оиладан шодлик ва бахт йироқлашгандай эди. Чақалоқни воёга етказиш шунчалик қийин эканлигини билмас экан. Бироқ чидади, турмуш ўртоғининг руҳини шод айлаш, оталик бурчини бажариш учун тунни тонгга улади. Бир зумгина мизғиб олар, боласини тарбиялар ва китоб титкиларди. Ёлғиз қалбининг суянчиги ва юпанчи ҳам китоб

бор воқеани айтиб, қандай бўлмасин, битта кўзойнак топиб келишни сўради. Одилжон ҳам вақти йўқлигини айтиб, хи-жолатомуз бош чайқади.

Ўғиллар кўзойнакни юборишмади. Одилжон вақт тополмади. Орадан ойлар ўтди, Одилжон отасининг соғлиги ёмонлашаётганини сезган, дўхтирларга кўрсатди. «Юрак журужи кучайпти, қаттиқ сиқилишдан бўлса керак», дейишди улар. Шу пайт Одилжоннинг хаёлига кўзойнак келди. Ҳамма ишни йиғиштириб, Тошкентга, акаларининг ёнига жўнади. Бир неча кун акалариникида қолиб кетди. Роса бир-бирларини соғинган эканлар. Мириқиб суҳбатлашади. Махсус жойда кўзойнак асатишди. Керак бўлиб қолар деб, бирданга учта буюртма берилди. Янги кўзойнакларни олиб, туғилиб ўсган қишлоқлари томон отланишди.

Ота зурриёдларига умр, бахт сўраб тонг оттиради. Аксига олиб Одилжон ҳам хизмат сафарига кетган. У бўлганда Тошкентга бориб келишни илтимос қилган бўларди. Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Зийрак келин эри келиши билан унга

Кун чошгоҳдан оғаётганда маҳаллага кириб келдилар. Уйлари олдида тумонат одамни кўриб, ака-укалар ҳовлиқиб қолишди. Шошиб уйга кирдилар. Ховлигининг ўртасида йиғлаб ўтирган Зоҳида келин уларни кўриб, фарёд қилди: «Бувамга энди кўзойнақларинг керакмас!»

Обиддин МАҲМУДОВ.

**Ҳалимлик ва илм бир-бирини тўлдиргани каби дунёда ҳеч нарса бир-бирини бунчалик безамайди.**

Ҳадис.

### Биласизми?

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур** хазинасининг энг бебаҳо дуру ваҳожри, шак-шубҳасиз, унинг асарларидир.

## БОБУР ХАЗИНАСИ

Чунончи, унинг "Бобурнома" асари жаҳон адабиёти ва манбашунослигида ноёб саналиши билан бир қаторда ўзбек адабиёти тарихида яратилган дастлабки насрий мемуар ва тарихий-илмий асардир. Ушбу асарнинг "Бобурия", "Воқеаном", "Воқеоти Бобур", "Тузуки Бобурий", "Табакоти Бобурий", "Таворихи Бобурий" каби номлари ҳам мавжуд. Бобурнинг ўзи асарига нисбатан "Вақо" ва "Тарих" номларини ишлатган.

1518 — 1519 йилларда Бобур ўз девонини тузади. Ҳозирда буюк шоир қаламига мансуб 119 ғазал, 209 рубоий, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девон таркибида, умумий ҳажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, унинг "Мубаййин", "Хатти Бобурий" асарлари ҳамда аруз вазнига оид илмий рисола ҳам ўз даврида шон-шухрат қозонганлигини эътироф этиш лозим.

Умрининг охирида эса Бобур ўзи илҳос қўйган улғу зот Хожа Аҳрор Валийнинг "Волидия" асарини шеърый йўсинда таржима қилади.

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 40002 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўламақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материали

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусоҳахчи — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА яқуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5